



## LEGAL DIFFERENCES BETWEEN CRIMINAL RESPONSIBILITY AND CRIMINAL PUNISHMENT

**Kuvatov Sirojiddin Ergashevich**

Independent Researcher at the University of Public Security of the Republic of Uzbekistan  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14293299>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> December 2024  
Accepted: 06<sup>th</sup> December 2024  
Online: 07<sup>th</sup> December 2024

### KEYWORDS

*Criminal responsibility, criminal punishment, legal differences, criminal code, legal relations, principles of responsibility, release from punishment, criminal record, state policy, criminal punishment measures, legal norms, criminal law, combating crime, legal practice, court ruling.*

### ABSTRACT

*This article analyzes the legal differences between the concepts of criminal responsibility and criminal punishment. The legal nature of criminal responsibility, its grounds for application, subjects, and practical significance are examined. Similarly, the distinctions between criminal punishment and responsibility, as well as their interrelations within the framework of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan, are studied. Special attention is given to the role of criminal responsibility and punishment in the implementation of state policies against crime. The conclusion provides an analysis of the legal relations between these concepts and their social significance.*

## ЮРИДИЧЕСКИЕ РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ УГОЛОВНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТЬЮ И УГОЛОВНЫМ НАКАЗАНИЕМ

**Кувватов Сирожиддин Эргашевич**

Независимый исследователь Университета общественной безопасности Республики Узбекистан  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14293299>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> December 2024  
Accepted: 06<sup>th</sup> December 2024  
Online: 07<sup>th</sup> December 2024

### KEYWORDS

*Уголовная ответственность, уголовное наказание, правовые различия, уголовный кодекс, юридические отношения, принципы ответственности, освобождение от наказания, судимость, государственная политика, меры уголовного*

### ABSTRACT

*В статье анализируются правовые различия между понятиями уголовной ответственности и уголовного наказания. Рассмотрена юридическая природа уголовной ответственности, основания её применения, субъекты и практическое значение. Также исследуются отличия уголовного наказания от ответственности и их взаимосвязь в рамках норм Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Особое внимание уделено роли уголовной ответственности и наказания в реализации государственной политики по борьбе с преступностью. В заключении проведен анализ*



наказания, правовые нормы, уголовное право, борьба с преступностью, юридическая практика, судебное решение.

правовых отношений между этими категориями и их социального значения.

## ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК ВА ЖИНОЙ ЖАЗО ЎРТАСИДАГИ ҲУҚУҚИЙ ФАРҚЛАР

**Кувватов Сирожиддин Эргашевич**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги

университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14293299>

### ARTICLE INFO

Received: 01<sup>st</sup> December 2024

Accepted: 06<sup>th</sup> December 2024

Online: 07<sup>th</sup> December 2024

### KEYWORDS

Жиноий жавобгарлик, жиноий жазо, ҳуқуқий фарқ, жиноят кодекси, юридик муносабат, жавобгарлик принциплари, жазодан озод қилиш, судланганлик, давлат сиёсати, жиноий жазо чоралари, ҳуқуқий нормалар, жиноят қонуни, жиноятчиликка қарши кураш, юридик амалият, суд ҳукми.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо тушунчалари ўртасидаги ҳуқуқий фарқлар таҳлил қилинади. Жиноий жавобгарликнинг юридик табиати, унинг қўлланиш асослари, субъектлари ва амалий аҳамияти ўрганилган. Шунга ўхшаш, жиноий жазо ва унинг жиноий жавобгарликдан фарқи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси нормалари асосида юридик муносабатлар даражасидаги ўзаро боғлиқликлар кўриб чиқилган. Мақолада давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда жиноий жавобгарлик ва жазонинг ролига алоҳида эътибор қаратилган. Хулосада, жиноий жавобгарлик ва жазо ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти таҳлил этилган.

Жамиятда ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда давлат томонидан белгиланган юридик нормалар муҳим ўрин тутаяди. Жиноят ҳуқуқи соҳасида эса, жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо тушунчалари ўзаро боғлиқ бўлса-да, ўзининг ҳуқуқий моҳияти ва амалий аҳамияти билан бир-биридан фарқ қилади. Ушбу мақолада мазкур тушунчаларнинг ҳуқуқий табиати, уларнинг ўзаро фарқлари ва бир-бирига боғлиқ жиҳатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси қоидалари доирасида таҳлил қилинади. Шунингдек, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда жиноий жавобгарлик ва жазонинг ролига алоҳида эътибор қаратилади. Мазкур таҳлил орқали жиноий жавобгарлик ва жазо тушунчалари бўйича назарий ва амалий билимларни такомиллаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Замонавий юриспруденцияда ҳуқуқшунос олимлар томонидан ҳуқуқ давлатнинг, шунингдек, давлат ҳуқуқнинг белгиси эмас, балки ҳуқуқ давлатнинг мавжудлиги белгиси бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги фикрлар илгари сурилмоқда[1]. Бу эса давлатнинг фуқаролар билан юридик боғлиқлик, алоқага эгаллиги орқали



асослантирилади. Яъни, давлат ўз вазифа ва функцияларини амалга ошириш жараёнида фуқароларга маълум ҳуқуқ ва эркинликлар, имтиёзлар беради, ўз навбатида муайян мажбуриятларнинг бажарилишини юклайди. Агар, фуқаролар томонидан тегишли мажбуриятлари бажарилмаса, ўзга шахсларнинг ҳуқуқ, эркинликлари, жамият ва давлатнинг манфаатларига хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилса ёки уларга зиён етказилса, шунингдек қонун ҳужжатлари орқали белгиланган бошқа нормалар бузилса, бундай ҳолатларнинг ҳуқуқий оқибати сифатида давлат томонидан белгилаб қўйилган тегишли юридик жавобгарлик асослари юзага келади. Бундай юридик жавобгарликнинг энг оғир тури - бу жиноий жавобгарлик ҳисобланади.

Аслида, жиноий жавобгарлик тушунчаси жиноят ҳуқуқи назариясидаги бир қатор мунозара ва баҳсга сабаб бўлаётган мавзулардан ҳисобланади. Айрим тадқиқотчилар фикрича, жиноий жавобгарликнинг юридик табиатини ўрганишга бўлган қизиқиш фанда XX асрнинг 60-йилларига келиб шаклланди[2]. Шунини айтиш лозимки, Ўзбекистон Республикасида жиноий жавобгарлик фақатгина амалдаги Жиноят кодекси орқали таъқиқланган ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этилган тақдирдагина юзага келади.

Шу сабабдан, ҳуқуқшунос олим М.Усмоналиев ўзининг қатор илмий ишларида “жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг махсус тури бўлиб, Жиноят кодексида таъқиқланган қилмиш содир этилган тақдирдагина қўлланиладиган жавобгарликнинг энг оғир туридир”[3], деб таъкидлайди.

Профессор М.Х.Рустамбаев эса, “жиноий жавобгарлик - бу субъектнинг жиноят қонуни билан таъқиқланган қилмишни содир этишда ифодаланган ҳулқи учун қўлланиладиган давлатнинг мажбурлов чорасидир”[4], деб таърифлайди. Шунини эътиборга олиш лозимки, жиноят ҳуқуқий муносабатнинг субъекти бир томондан давлат (унинг номидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) бўлса, иккинчи томондан жиноят содир этишда айбдор бўлган шахслардир. Юқорида келтирилган таърифда субъект деганда, жиноят содир этган шахс назарда тутилган.

И.Я.Козаченконинг фикрича эса, жиноий жавобгарлик - бу шахс жиноят содир этган вақтдан бошлаб вужудга келадиган ҳуқуқий муносабат бўлиб, жиноят содир этаётган шахсни қайта тарбиялаш ва тузатиш, умумий ва махсус тартибда огоҳлантириш мақсадида қўлланиладиган мажбурлов чорасидир. Жиноий жавобгарлик натижасида давлат шахсининг ҳуқуқини чеклаб қўяди, жиноят содир этган шахс эса давлат номидан суд томонидан фақат жиноят қонунида кўрсатилган жазо чораси доирасида қўлланиладиган шахсий мулкӣ ва бошқа хусусиятдаги таъсир чораларини бажаришга мажбур бўлади[5].

Аммо, жиноий жавобгарлик масаласида айрим олимлар, хусусан М.Брайнин мазкур тушунчага бошқа томондан ёндашади. Унинг фикрича, жиноий жавобгарлик шахс жиноят ишига айбланувчи сифатида жалб қилинганда ёки суриштирув органи томонидан жиноят содир этган шахс сифатида ушланган вақтдан бошлаб вужудга келади[6] деб таъкидлайди.

Шунингдек, Д.Р.Қурбонов ўзининг илмий изланишларида “жиноий жавобгарлик шахс жиноят қонунида назарда тутилган таъқиқни бузгани учун таъқиб қилиш, ижобий



хулқ-атворда бўлгани учун эса рағбатлантириш чораларини қўллашда намоён бўлади”[7], деб таъкидлайди.

Юқорида қайд этилган фикрларни умумлаштирган ҳолда айтишимиз мумкинки, жиной жавобгарлик фақат ўзигагина хос бўлган белгиларга эга бўлиб, бу белгилар орқали бошқа юридик жавобгарлик турларидан фарқланади:

1) қўлланиш асослари бўйича: жиной жавобгарлик қилмишида ЖКда назарда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлсагина қўлланади. Жавобгарликнинг бошқа турлари (интизомий, фуқаровий жавобгарлик)да жиноят муносабати билан келтирилган зарар ёки бошқача ҳуқуқбузарлик учун қўлланилади;

2) қўллашнинг мазмуни бўйича: жиной жавобгарлик содир этилган жиной қилмиш учун фақат давлат номидан суд томонидан айблов ҳукми чиқариш билан боғлиқ бўлган, Жиноят кодексида назарда тутилган жиной жазо ёки бошқа мажбурлов чорасини қўлланиши билан боғлиқ бўлиб, шахснинг ҳуқуқий ҳолатини жиддий чеклашдан иборатдир. Жавобгарликнинг бошқа турларида эса, ҳатто суд томонидан тайинланган мажбурлов чораси ҳам давлат номидан тайинланмайди. Демак, жиной жавобгарлик, ўз мазмунига кўра жавобгарликнинг энг оғир тури ҳисобланади;

3) жавобгарликнинг қўлланиш субъекти бўйича фарқи: жиной жавобгарлик фақат суд томонидан тайинланади ва қонуний кучга кирган айблов ҳукмида ифодаланади. Бошқа бирорта орган ёки мансабдор шахс жиной жавобгарликка тортишга ҳақли эмас. Жавобгарликнинг бошқа чоралари суд томонидан ҳам бошқа идора ва мансабдор шахслар томонидан ҳам қўлланиши мумкин;

4) қўлланиш тартиби бўйича фарқи: жиноят-процессуал қонунида жиной жавобгарликка тортишнинг махсус тартиби белгиланган бўлиб, фақат Жиноят-процессуал кодексида тергов органлари ва суднинг жиной жавобгарликка тортиш тўғрисидаги фаолияти тартибга солинади. Бошқа жавобгарлик турлари юзасидан жавобгарликка тортиш тартиби бошқа ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинади;

5) жавобгарликка тортиладиган субъектларининг доираси бўйича фарқи: жиной жавобгарлик шахсий хусусиятга эга бўлиб, фақат жисмоний шахсларгина жиной жавобгарликка тортилади. Масалан, корхонадан чиқаётган ифлос сувлар сув ёки атроф-муҳитни ифлослантирса ва бунинг учун ЖКда назарда тутилган оқибат юз берса, бунда корхона эмас, балки корхонадаги бунинг учун масъул бўлган жисмоний шахслар жавобгарликка тортилади[3].

Шуни таъкидлаш жоизки, “жиной жавобгарлик” ва “жиной жазо” тушунчаларини ўзаро фарқловчи қатор хусусиятлар мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларда намоён бўлади:

1) жиной жавобгарлик муқаррардир, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт. Жиной жазо эса, нисбий бўлиб, жиноят содир этишда айбли деб топилган шахс жиной жавобгарлик мавжуд бўлса-да, жиной жазога тортилмаслиги ҳам мумкин. Жумладан, ЎзР ЖКнинг 76-моддасига кўра, ҳукм этилган шахс амнистия акти ёки авф этиш асосида асосий ва ижро этилмаган қўшимча жазолардан озод қилиниши мумкин. Шунингдек, ЖКда белгиланган ҳолатларда жазодан озод қилишнинг турлари келтирилган, масалан, бошқа шахснинг ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотиши (70-модда) ёки



айбдорнинг чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги (71-модда) муносабати билан суд жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсни жазодан озод қилиши мумкин. Аммо, барча ҳолатларда айбдор шахсни жазодан озод қилиш, уни жиноий жавобгарликдан озод қилишга олиб келмайди ва шу сабабдан ҳам жиноят содир этишнинг айрим жиноят-ҳуқуқий оқибатлари (масалан, шахснинг судланганлик ҳолати) сақланиб қолади.

Қолаверса, амалдаги ЖКнинг 3-10-моддаларида келтирилган кодекснинг етти асосий принципларидан иккитаси, яъни “айб учун жавобгарлик” ва “жавобгарликнинг муқаррарлиги” принциплари бевосита жиноят учун жавобгарлик масаласини ўзида ифода қилади. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февраль куни қабул қилинган “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 2-бандида “Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланилиши шартлигини англамайди” [8], деб кўрсатилган. Шу туфайли судлар, ижтимоий ҳаётда катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖК 65,66,70,71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим.

2) Ўзбекистон Республикаси ЖКда назарда тутилган жавобгарликдан озод қилиш (64-68-моддалар) судланганлик ҳолатини келтириб чиқармайди, яъни шахс, агар содир этган жинояти учун тегишли асослар мавжуд бўла туриб, жиноий жавобгарликдан озод этилса, судланган ҳисобланмайди. Жиноий жазодан озод этиш (69-76-моддалар) фактида эса, судланганлик мақоми сақланиб қолади.

3) Икки ёки ундан ортиқ шахсларга (масалан, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда жиноят иштирокчиларига) нисбатан айнан ўхшаш жиноятлари учун бир хил жиноий жавобгарлик юзага келгани ҳолда, жиноий жазо турли хил бўлиши мумкин. Масалан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ўғирлик жинояти содир этилса, барча иштирокчилар ЎЗР ЖКнинг 169-моддаси иккинчи қисми “в” банди билан жиноий жавобгарликка тортилади. Аммо, жиноят содир этган ҳар бир шахснинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг оилавий ҳаёти, жамиятда тутган ўрни, жиноят содир этиш сабаблари, унга нисбатан жамоатчилик фикри ва шу каби бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда турли хил жазо чоралари қўлланилиши мумкин.

Юқорида қайд этилган Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг Қарорида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт”, деб белгиланган. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга - судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги ҳуқуқ-атвори, машғулоти, давлат ёки ижтимоий мақоми ва ҳоказолар кириди.

4) Жиноий жавобгарлик жиноий жазо тушунчасига нисбатан кенгроқ тушунча ҳисобланади. Чунки, жиноий жазо моҳиятан жиноий жавобгарликни таъминлаш воситаси ҳисобланади ҳамда маълум маънода жиноий жавобгарликнинг таркибий



қисми ҳисобланади. Қолаверса, жиноий жазодан озод қилиш жиноий жавобгарликдан озод қилишга олиб келмайди. Жиноий жавобгарликдан озод қилиш эса, тегишли тартибда жиноий жазо қўлланилишини истисно этади.

5)Жиноий жазо ва жиноий жавобгарлик билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар уларнинг субъектлари доираси билан ҳам ўзаро фарқланади. Хусусан, жиноий жавобгарлик содир этилган жиноятга нисбатан давлатнинг таъсир чораси бўлиб, бундай тушуниш содир этилган жиноят юзасидан шахс жиноий жавобгарликка тортишда суриштирув ва дастлабки тергов (судгача бўлган) босқичида терговчи ёки прокурор томонидан айбланувчи тариқасида, иш судга оширилгандан сўнг эса, суд томонидан судланувчи тариқасида қўлланилади. Жиноий жазо эса, жавобгарликдан фарқли равишда фақатгина суд томонидан тайинланади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо тушунчалари бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиши билан бирга ўзаро фарқланувчи хусусиятларга ҳам эга ҳисобланади. Аммо, иккала тушунча ҳам, биринчи навбатда, давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ҳозирги глобаллашув шароитида жиноятларнинг сифат жиҳатидан ўзгариб туриши жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо хусусида ҳам янги муаммоларни юзага келтиради. Бу эса, ўз навбатида бу борадаги билим ва кўникмаларни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этади.

## References:

1. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳуқуқи назарияси муаммолари: Ўқув қўлланма.-Тошкент:ТДЮИ,2008.-Б.29.
2. Курс Российского уголовного права. Общая часть /Под ред.В.Н.Кудрявцева и А.В.Наумова.-М.,2001.-С.473.
3. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи(умумий қисм):Дарслик.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.-Б.115.
4. Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексига шарҳлар. Шарҳ. 1-том – Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”, 2024.
5. Козаченко И.Я.Санкции за преступления против жизни и здоровья.-Томск,1987.-С.45.
6. Браинин Я.М. Уголовное ответственность и ее основание в советском уголовном праве.Т.3.-М.,1963.-С.12.
7. Musayeva, S. I. (2024). ADVANTAGES AND DISADVANTAGES OF INTERACTIVE METHODS INTRODUCING THE CLT (COMMUNICATIVE LANGUAGE TEACHING) APPROACH. World Scientific Research Journal, 32(1), 217-219.
8. Musayeva, S. I., & Mengliyeva, S. S. (2022). Kursantlarning madaniyatlararo rivojlantirish.
9. Қурбонов Д.Р.Жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жиноий жавобгарликни қўллаш муаммолари.Ю.ф.н. илм.дар.олиш учун ёзилган дисс.Самарқанд,2008.-Б.9.
10. <https://lex.uz/docs/1455976>